

Ҳ У К М
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил январь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди биносида, очик суд мажлисида, судья К.Рахимовнинг раислигида, М.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурорининг ката ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи ХХХХХ ва жабрланувчи ХХХХХнинг иштирокида, ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХга оид 1-1501-2005/1290-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларга кўра:

ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ (ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ), 1978 йил 29 июнь куни ХХХХХ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, ХХХХХ тумани ХХХХХ м.ф.й., ХХХХХ кўчаси рақамсиз уйда доимий рўйхатда туриб, ХХХХХ тумани ХХХХХ МФЙ Ўқитувчилар кўчаси ХХ-уйда яшайди, иш бўйича 2020 йил 19 сентябрь куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 11 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқини эшитиб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, судланувчининг музокара, химоя ва охирги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХХХ 2020 йил 10 сентябрь куни соат 01:30ларда Фарғона шаҳар, ХХХХХ кўчаси ХХ-уй, ХХ-хонадонга келиб, ушбу хонадонда яшовчи шаърий турмуш ўртоғи ХХХХХ ХХХХХ ХХХХХ билан хонадон ошхонасида рашк туфайли оғзаки равишда ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида хўжаликда фойдаланадиган ошхона пичоғи билан ХХХХХни чап кўкрак қафаси ён тарафига қасддан бир маротаба уриб, унга тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил 16 сентябрь кунги 5008-сонли ҳулосасига кўра, ХХХХХда кўкрак қафаси чап томонидан кўкрак бўшлиғига тешиб кириб, ички аъзоларни шикастламаган санчиб-кесилган яраси аниқланиб, ушбу тан жароҳатлар ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи ХХХХХ судда, айбига тўлиқ иқрорлигини, ҳақиқатдан ҳам, ХХХХХ билан 2018 йилдан буён таниш эканлигини, у билан шаърий никоҳ асосида турмуш қуришганлигини, ХХХХХни икки нафар фарзанди борлигини, муносабатлари яхши эканлигини, икки кунда бир улардан хабар олиб туришлигини, 2020 йил 09 сентябрь куни соат 22:00ларда ХХХХХни Фарғона шаҳар, ХХХХХ кўчаси ХХ-уй, ХХ-хонадонига келиб, улардан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ташлаб, ўзининг доимий яшаш хонадони



XXXXX тумани XXXXX қишлоғига кетганлигини, уйга бориб, яхши етиб олганлигини айтиб қўйиш учун соат 23:30ларда XXXXXга телефон қилганида, уни телефон рақами ўчирилган бўлиб чиққанлигини, лекин ижтимоий тармоққа кирганида XXXXXни профили тармоқда эканини билганлигини, шунда XXXXXни ижтимоий тармоқда “бегона эркаклар билан гаплашяпти” деб ўйлаб, рашк қилиб, жаҳли чиқиб, таксида XXXXXни яшаш хонадонига келганлигини ва хонадонга соат 00:30ларда кириб, ҳеч ким йўқлигини кўрганлигини, болалар ухлаётганлиги учун улар ошхонага кириб гаплашишганлигини ва XXXXXдан нима сабабдан телефонини ўчириб олганлигини сўраганида, у телефонини ўчирмаганлигини айтиб, гап қайтариб, қўпол оҳангда гаплашганидан жаҳли чиқиб, уни юзига бир-икки шапалоқ урганлигини ва хонтахта устида бўлган ошхона пичоғини олиб, уни кўрқитмоқчи бўлганлигини, лекин жаҳл устида XXXXXни чап кўкрак қисмига пичоқни тикиб юборганлигини, шундан сўнг XXXXXни жароҳатланган жойидан қон чиқа бошлагач, такси чақириб, уни шифохонага олиб борганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, XXXXXни даволаниши учун дори-дармон билан тўлиқ таъминлаганлигини, ундан кечирим сўраб, у билан ярашиб олганлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи XXXXXни айби, ўзининг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, қўйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланади:

Жабрланувчи XXXXXни суддаги, XXXXX билан 2018 йилда шаърий никоҳ асосида турмуш қуришганлиги, XXXXX ундан ва фарзандларидан кун ора хабар олиб туришлиги, 2020 йил 09 сентябрь куни соат 22:00ларда XXXXX уни Фарғона шаҳар, XXXXX кўчаси XX-уй, XX-хонадонига озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиб, хабар олиб кетганлиги, сўнг у уйида соат 23:40ларда телефонида ижтимоий тармоқда видеороликларни томоша қилиб ўтирганида, XXXXX унга телефон қилганлиги, лекин у телефонни кўтармаганини айтиб, уни уришиб берганлиги, сўнг соат 00:30ларда XXXXX уйига кириб келганлиги, фарзандлари ухлаётганли сабабли улар ошхонага киришганлиги, ошхонада XXXXX ундан нима сабабдан телефонни кўтармаганини сўраганлиги, унга телефон қилмаганини айтганида, бундан XXXXXни жаҳли чиқиб, хонтахта устида турган ошхона пичоғини олиб, унга чап ёни билан турганлиги учун XXXXX уни чап кўкрак қафаси ён томонига бир маротаба пичоқ билан урганлиги, ўша вақтда жароҳат олганини билмаганлиги, бироздан кейин ўша жойи қизиганлиги ва қон оқаётганини кўрганлиги, шундан сўнг XXXXX ҳам буни кўриб, дарҳол такси чақириб, уни шифохонага олиб борганлиги, ҳозирда соғлиғи яхшилиги, XXXXX унга даъволаниши учун кетган сарф-ҳаражатларни тўлиқ қоплаганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга енгиллик берилишини сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Шунингдек, судланувчи XXXXXнинг айби ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.3-15), суд тиббий экспертизасининг 2020 йил 16 сентябрь кунги 5008-сонли хулосаси (и.в.38-39), судга оид биологик экспертизасининг 2020 йил 18 сентябрь кунги 121-сонли хулосаси (и.в.45-347), гувоҳ XXXXXни дастлабки терговдаги ўзига тегишли “Кобалт” русумли XXXXX давлат рақам белгили



автомашинасида Фарғона шаҳридаги “Реал такси” МЧЖга аъзо бўлиб, таксистлик қилиб келишлиги, 2020 йилнинг 09 сентябридан 10 сентябрига ўтар кечаси соат 01:00ларда Фарғона шаҳар, XXXXX кўчаси XX-уй олдида буюртма тушгани учун айтилган манзилга борганлиги, шунда кўп қаватли уйдан бир эркак киши ва кўринишидан бемор бўлган бир аёл чиқиб, автомашинасига ўтиришганини ва уларни РШТЎИМФФга олиб бориб қўйганлиги, йўлда аёл оғриқдан қийналиб, йиғламсираб кетганлиги, кейинчалик у эркак ва аёлнинг исмлари XXXXX ва XXXXX эканини билганлиги ҳақидаги кўрсатуви (и.в. 40-43) билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи XXXXXнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у 2020 йил 10 сентябрь куни соат 01:30ларда Фарғона шаҳар, XXXXX кўчаси XX-уй, XX-хонадонда рашк туфайли шаърий турмуш ўртоғи XXXXXни хўжаликда фойдаланадиган ошхона пичоғи билан чап кўкрак қафаси ён тарафига қасдан бир маротаба уриб, унга ҳаёт учун хавfli бўлган оғир тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи XXXXXгага нисбатан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчи билан эр-хотинлик муносабатларида эканлигини, жабрланувчининг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва жазо масаласида енгиллик сўраши ҳақидаги фикрларини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаёган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жиноят иши билан бирга сақланаётган бир дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни ҳамда ва 1 дона ошхона пичоғини белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

XXXXX XXXXX XXXXX (XXXXX XXXXX XXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

XXXXX XXXXX XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

XXXXXга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилиниб, Фарғона шаҳар, Ипотека банк Фарғона вилоят филиали депозит рақамида сақланаётган 4.500.000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм гаров пули гаров кўювчи XXXXX XXXXX XXXXXга қайтарилсин.

Иш бўйича далилий ашё деб эътироф этилган 1 (бир) дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин ҳамда 1 (бир) дона ошхона пичоғи белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

К.Рахимов

Ҳукм нусхаси

аслига тўғри:

